

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019 К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ БИРМАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАБАЕВ ЗАБИБУЛЛА КАМИЛОВИЧ**

**ОРОЛБЎЙИ НООРГАНИК КЕЛИБ ЧИҚИШЛИ ХОМАШЁ  
РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ ВА  
УЛАР АСОСИДА ШИША БУЮМЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси  
02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси авторефератимундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)**

**Бабаев Забибулла Камилевич**

Оролбўйи ноорганик келиб чиқишли хомашё ресурсларидан  
фойдаланишнинг ўзига хосликлари ва улар асосида шиша буюмлар олиш  
технологияси.....3

**Бабаев Забибулла Камилевич**

Особенности использования сырьевых ресурсов неорганического  
происхождения Приаральяи технология получения стеклоизделий на их  
основе .....29

**Babaev Zabibulla Kamilovich**

Features of the use of raw materials of inorganic origin in the Aral Sea region and  
the technology of obtaining glass products on their basis.....55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019 К/Т.35.01  
РАҚАМЛИ БИРМАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАБАЕВ ЗАБИБУЛЛА КАМИЛОВИЧ**

**ОРОЛБЎЙИ НООРГАНИК КЕЛИБ ЧИҚИШЛИ ХОМАШЁ  
РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ ВА  
УЛАР АСОСИДА ШИША БУЮМЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**02.00.13-Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси  
02.00.15 - Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/T20 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.ionx.uz](http://www.ionx.uz)) ҳамда «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Жуманиязов Махсуд Жаббиевич**  
техника фанлари доктори, профессор

**Юнусов Миржалил Юсупович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мирзакулов Холғура Чориевич**  
техника фанлари доктори, профессор,

**Реймов Аҳмед Мамбеткаримович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Эминов Ашрап Маъмурович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Навоний давлат қончилик институти**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.К/Т.35.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашнинг 2021\_йил «23» ноябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77а. Тел. (99871) 262-56-60; факс: (99871) 262-79-90; e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Докторлик диссертацияси билан Умумий ва ноорганик кимё институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (13 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 77а. Тел. (99871) 262-56-60; факс: (99871)262-79-90.

Диссертация автореферати 2021 йил « 10 »ноябрь кунин тарқатилган.  
(2021 йил «10»ноябрь № 13 рақамли реестр баённомаси).



**Б.С. Закиров**

Илмий даража берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

**Д.С. Салиханова**

Илмий даража берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

**Ш.С. Намазов**

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш қошидаги  
бир марталик илмий семинар раиси,  
т.ф.д., профессор, академик

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунё миқёсида ноорганик материаллар ишлаб чиқаришда хомашё ва техноген ресурсларни бойитиш технологияларини ишлаб чиқиш ва таннархи арзон, сифат кўрсаткичлари юқори маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига катта эътибор билан қаралмоқда. Бунда қўлланилаётган хомашёларнинг сифат кўрсаткичлари асосий омил деб қаралиб, бу хусусияти юқори хомашёлар захираларининг камайиб бориши, янги кон хомашёларининг сифат кўрсаткичлари меъёр талабларига мос келмаслиги қайд қилинмоқда. Хомашё ресурслари асосида ишлаб чиқарилаётган шиша маҳсулотлари дунё миқёсида муҳим саноат тармоқларининг бирига айланиб бормоқда ва бир қатор ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланишини белгилаб бермоқда. Шундан келиб чиқиб, ноорганик ва техноген хомашёлардан бойитиш технологияларидан фойдаланиб олинган концентратлар асосида шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳонда сифати юқори бўлмаган хомашёлар ва техноген чиқиндиларни бойитиш, ноорганик материаллар ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларни жадаллаштириш ҳамда уларнинг хосса ва хусусиятларини яхшилаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада шиша маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳам юқори шаффофликка эга бўлган шишалар олиш, янги самарали таркибларни ишлаб чиқиш, энергия ва ресурстежамкор инновацион технологияларни жорий қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда юқори шаффофликка эга шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган кварц кумлари маҳаллий хомашёлардан олиш, уларни таркибини бойитиш уларни қайта ишлаб давлат андозаларига жавоб бера оладиган маҳсулотлар олиш борасида муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида «Маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлашга асосланган юқори қўшимча қийматли маҳсулот ва технологияларнинг янги турларини ишлаб чиқариш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш»<sup>1</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий хомашёларни механик ва электрофизик усуллар комбинацияларини қўллаб бойитиш ва улардан шиша маҳсулотлари олиш жараёнларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265 сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

жозибаторлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисида» ва 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335 сонли «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарорлари ва ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий- тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Ноорганик хомашёлар ва саноат чиқиндиларини бойитиш ва улар асосида шиша маҳсулотлари олишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Massachusetts Institute of Technology (MIT, (АҚШ) ), University of Cambridge (Буюк Британия), Université de Paris (Франция), University of Science and Technology of China, (Хитой), Riga Technical University (Латвия), Technische Universität München (Германия), Белоруссия давлат технологиялари университети (Белоруссия), Д.И. Менделеев номидаги Россия кимё-технология университети(РКТУ (Россия)), М.Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон технология университети, Умумий ва ноорганик кимё институти, Тошкент кимё-технология институти ва Урганч давлат университети (Ўзбекистон) каби муассасаларда олиб борилмоқда.

Таркибида темир оксидлари бор бўлган кварц кумларини бойитиш, саноат чиқиндиларини қайта ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш ва улар асосида шаффоф ва рангли шишалар таркибларини яратишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: шиша идишлар ва маиший хўжалик буюмлари ҳамда шиша эмаллар олиш технологиялари ишлаб чиқилган (РКТУ, (Россия)), ноорганик хомашёлар ва саноат чиқиндиларини бойитишнинг ва улардан товар маҳсулотлари олишнинг мақбул параметрлари ишлаб чиқилган (Massachusetts Institute of Technology (MIT, (АҚШ)), шишанинг сифат кўрсаткичларига таъсир қилувчи омиллар аниқланган ва оксидланиш-қайтарилиш потенциалини бошқариш ҳисобига шаффоф шишалар олишга эришилган (Белоруссия давлат технологиялари университети, (Белоруссия)), шиша маҳсулотлари олишда янги тур модификаторларни қўллаш ҳисобига унинг хоссаларини яхшилаш аниқланган (University of Science and Technology of China, (Хитой)).

Дунёда ноорганик хомашёлар ва саноат чиқиндиларини қайта ишлаб, шиша маҳсулотлари олиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: табиий хомашёлардан унумли фойдаланиш ва тежаш, маҳсулот олиш жараёнига техноген чиқиндиларини

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.mirstekla-expo.ru>, <https://www.glass.org>, <https://glassmanufacturers.net/>, <http://www.lattimer.com> <https://> ва бошқа ҳаволалар.

қўллаш, шиша қайнатиш жараёнида ҳароратни пасайтириш ва вақтини қисқартириш орқали энергия тежамкорлигига эришиш, маҳсулот сифатини ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш, маҳсулоти шиша турлари ва технологияларини ўзлаштириш кабилар.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:** Диссертация ишида кўриб чиқиладиган масалалар йўналишида W. Dusdorf, M. Dehler, S. Jung, M.A.Hampton, M.Kovacs, Бобкова Н.М., Минько Н.И., Саркисов П.Д., Артамонова М.В., Гулоян М.Ю., Мелконян Р. Г., Аппен А.А., Казьмина О. В., Верещагин В. И., Субботин К. Ю., Манеевич В.Е., Киян В.И., Жернова Н.Ф., Ковальченко Н.А., Исматов А.А., Сиражиддинов Н.А., Касимова С.С., Эркаходжаева А.П., Кадирова З. Р., Юнусов М.Ю., Арипова М.Н., Эминов А.М., Мирзакулов Х.Ч., Жуманиязов М.Ж., Шамшидинов И.Т., И.И. Усманов, О.С. Бобоқулова ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб боришган.

Бу борада минерал хомашёларни бойитиш ва улар асосида сифат кўрсаткичлари юқори бўлган ноорганик материаллар, шиша идишлар, майший хўжалик шишаси, қурилиш ва транспортбоп шиша ҳамда шиша эмаллар олиниб, уларнинг эксплуатацион хусусиятлари ўрганилган, маҳсулот олиш жараёнига турли омилларнинг таъсири аниқланган, бойитиб олинган концентратларнинг маҳсулот сифатига ва технологик жараёнга таъсири ўрганилиб турли маҳсулотлар олинган, шиша таркибига киритиладиган модификаторларнинг таъсир механизмлари ўрганилган ва улардан ранг берувчи, шиша қайнатиш жараёнини жадаллаштирувчи, шиша массасини тиниқлаштирувчилар сифатида фойдаланиш таклиф этилган.

Шу билан бирга замонавий физик-кимёвий тадқиқотларни қўллаб сифати паст ноорганик хомашёларни бойитишнинг самарали технологияларини жорий қилиш, саноат чиқиндиларини қайта ишлаб яроқли маҳсулот даражасигача келтириш имкониятлари мавжудлиги лаборатория тадқиқотларида исботланган, аммо бу соҳада бир қатор етарли даражада ўрганилмаган ва тўлалигича ёритилмаган муаммолар мавжуд. Шунингдек, шиша маҳсулотлари олишда саноат чиқиндиларидан фойдаланиш натижасида қайнаш жараёнини жадаллаштириш масалаларига кам эътибор қаратилган. Рангли шишалар олишда саноат чиқиндиларини қўллаш ҳисобига ҳам ижобий натижаларга эришиш мумкинлиги етарли даражада ўрганилиб чиқилмаган, ўз навбатида ушбу диссертация иши юқоридаги муаммоларни ҳал қилишга бағишланган илмий изланишдир.

**Диссертация мавзуси диссертация бажариладиган илмий тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқотлари Урганч давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Минерал хомашёлар ва саноат чиқиндилари асосида халқ хўжалиги маҳсулотларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш», «Маҳаллий хомашёлар ва саноат чиқиндилари асосида метал юзалар учун шиша эмаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» номли амалий ва «Янгиариқ кони қумлари асосида рангли шишалар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» номли инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Оролбўйи ноорганик хомашёларининг ўзига хослигидан келиб чиқиб фойдаланишнинг илмий-амалий асослари ҳамда улар асосида шиша маҳсулотлари олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Хўжақўл ва Янгиариқ конлари каолинлашган ва дала шпатли кварц кумларини кимёвий, минерал ва донадорлик таркибларини ўрганиш, уларни таркибидаги минерал қўшимчаларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб бойитиш технологияларини ишлаб чиқиш;

шиша таркибига махсус ингредиентларни киритиш мақсадида мамлакатимиздаги табиий газни қайта ишлашда ҳосил бўлаётган глинозёмли (Шўртан ва Устюрт ГКМ), металлургия саноатидаги кобальтли ва кўрғошин жинсини бойитишдаги (Олмалиқ ТКМК) чиқиндиларнинг кимёвий таркиби ва физик-механик хоссаларини ўрганиш ҳамда уларни шиша олишга яроқлилигини баҳолаш, улардан яроқли маҳсулотлар олиш мақсадида бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш;

Тумрюк кони мирабилитли аралаш тузларнинг кимёвий, минерал, донадорлик таркибларини ҳамда физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, уни шиша маҳсулотлари олишга яроқлилигини баҳолаш ва яроқли маҳсулот олиш мақсадида бойитиш технологиясини тадқиқ қилиш;

шиша идишлар, маиший шиша буюмлари ва эмаллар олишда глинозёмли (Шўртан ва Устюрт ГКМ), кобальтли ва кўрғошин жинсини бойитишдаги (Олмалиқ ТКМК) чиқиндиларидан фойдаланишнинг мақбул параметрларини аниқлаш, шиша намуналарини олиш ва уларнинг кимёвий, физик-механик хоссаларини ўрганиш;

Оролбўйи ноорганик минерал хомашё ресурсларидан фойдаланиб шишалар олиш учун мақбул таркибларни ишлаб чиқиш, уларнинг физик-кимёвий, механик хоссаларини ва тузилишини ўрганиш, шиша идишлар, маиший хўжалик буюмлари ҳамда эмаллар олишнинг такомиллашган технологияларини ишлаб чиқиш;

Олинган натижаларни саноат миқёсида жорий қилиш ва ишлаб чиқилган технологиялар самарадорлигини асослаб бериш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Хўжақўл конининг каолинлашган ва Янгиариқ конининг дала шпатли кварц кумлари, Тумрюк кони мирабилитли тузлар аралашмаси, глинозёмли (Шўртан ва Устюрт ГКМ), кобальтли ва кўрғошин жинсини бойитишдаги (Олмалиқ ТКМК) чиқиндилари, улар асосидаги шиша таркиблари олинган.

**Тадқиқот предмети**ни каолинлашган ва дала шпатли кварц кумларини ҳамда мирабилитли тузлар аралашмаси, глинозёмли (Шўртан ва Устюрт ГКМ), кобальтли ва кўрғошин жинсини бойитишдаги (Олмалиқ ТКМК) чиқиндиларни бойитиш усуллари, шиша маҳсулотлари олиш жараёнининг физик-кимёвий асослари ва технологияси ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида кимёвий, рентгенофазази, электрон-микроскопик, ИҚ- спектроскопик, дифференциал-термик, ЭПР таҳлили усуллари, булардан ташқари маҳсулотларнинг физик-

механик, технологик ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлашда стандартлаштирилган синов услубларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Хўжақўл конининг каолинлашган ва Янгиариқ конининг дала шпатли кварц кумларининг кимёвий, минералогик ва донадорлик таркиби асосида реагентли бойитиш жараёни асосланган ва каолинлашган кум асосида  $\text{SiO}_2$  миқдори 97,8 % ва  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  миқдори 0,05 % бўлган шаффоф шишалар олиш учун яроқли ВС-050-2 русумдаги ва кварц- дала шпатли кумлари асосида  $\text{SiO}_2$  миқдори 95,6 % ва  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  миқдори 0,10 % бўлган ярим шаффоф шишалар олиш учун яроқли ПБ-100-2 русумдаги концентрат олиш мумкинлиги аниқланган;

Тумрюк кони мирабилитли шиша олишга яроқсиз аралаш тузларнинг селектив қазиб олиш, бойитиш орқали яроқли бўлган стандарт талабларига мос келувчи, таркибида натрий сульфат миқдори - 97,90; минерал моддалар- 1,00; галит- 0,50; гипс- 0,06; эпсомит- 0,03;  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  - 0,003; к.к.м.-0,5 бўлган 2-навли товар маҳсулот олиш мумкинлиги исботланган;

саноат чиқиндилари бўлган глинозёмли, кобальтли ва кўрғошин чиқиндиларини комплекс қайта ишлаб, сифатли шишалар олишга яроқли бўлган маҳсулотлар олиш имкониятлари исботланган;

Оролбўйи ноорганик хомашё ресурсларидан фойдаланиб шишалар олиш учун  $\text{R}_2\text{O}-\text{R}'\text{O}-\text{R}''_2\text{O}_3-\text{SiO}_2$  (бунда: R – Na, K; R' – Mg, Ca, Ba; R'' – B, Al) тизимида мақбул таркиблар асосида шиша идишлар, маиший хўжалик буюмлари ҳамда шиша эмаллар олишнинг такомиллашган технологиялари яратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Хўжақўл конининг каолинлашган ва Янгиариқ конининг дала шпатли кварц кумлари, Тумрюк кони мирабилитли аралаш тузлари ва глинозёмли (Шўртан ва Устюрт ГКМ), кобальтли ва кўрғошин жинсини бойитишдаги (Олмалик ТКМК) чиқиндиларини бойитиш ҳисобига яроқли маҳсулотлар олишнинг технологиялари ишлаб чиқилган ва улардан фойдаланиб шиша маҳсулотлари олиш технологияси яратилган;

шиша идишлари ва маиший хўжалик шиша буюмлари ҳамда шиша эмаллар олишда саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, шиша олиш жараёнини жадаллаштириш ва маҳсулот таннархини камайтириш имкониятлари мавжудлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** олинган натижалар таҳлилида фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий (рентгенфаза, дифференциал-термик, электрон-микроскопик, ИҚ-спектроскопик ва электрон-парамагнит резонанси) таҳлил усуллари натижалари кенг қамровда тажриба-саноат синовларидан ўтказилганлиги ва ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Оролбўйи ноорганик хомашёлари ва саноат чиқиндиларини бойитиш технологияларини жорий қилиш ҳисобига улардан фойдаланиб саноатбоп шиша маҳсулотлари олиш учун шиша таркиблари

ишлаб чиқилганлиги, юқоридаги минерал хомшәлар ва саноат чиқиндиларининг мақбул комбинация ва нисбатларини тадқиқ қилишнинг янги, аввал маълум бўлмаган назарий ва илмий-амалий натижалари «Ноорганик моддалар технологияси» ва «Шиша материаллари технологияси» фанларига маълум даражада ўз ҳиссасини қўшиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Оролбўйи ноорганик келиб чиқишли хомшәлар ва саноат чиқиндиларидан яроқли маҳсулотлар олиш, улар асосида шиша маҳсулотлари олиш технологиясининг ишлаб чиқилганлиги, хомшә сифатида Хўжакўл, Янгиариқ конларининг каолинлашган ва дала шпатли кварц кумлари ҳамда табиий газни қайта ишлаш ва металлургия саноати чиқиндиларини комплекс ишлатилиши, шиша қайнатиш ҳароратини 30°C га пасайтириш ва шаффоф, рангли шишалар ҳамда шиша эмаллар олинишига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Каолинлашган ва дала шпатли кварц кумларидан шиша идишлар ва маиший хўжалик шиша буюмлари ҳамда шиша эмаллар ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Хўжакўл кони кварц-каолинлашган жинсларидан олинган бойитилган кварц куми асосида шиша идишлар ишлаб чиқариш технологияси «Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг саноат, қурилиш, транспорт ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг «2022-2025 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг саноат, қурилиш, транспорт ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг 2021 йил 12 сентябрдаги 08-579-сон маълумотномаси). Натижада, Оролбўйи минтақасида маҳаллий хомшәлардан унумли фойдаланиш ва шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш имконини берган;

Оролбўйи ноорганик келиб чиқишли хомшәлар ва техноген чиқиндилардан фойдаланиш ва улар асосида шиша буюмлар олиш технологияси «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасида амалиётга жорий этилган («Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг 2021 йил 11 октябрдаги 05/15-2531-сон маълумотномаси). Натижада, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун четдан келтириладиган айрим компонентларни ўрнини босувчи маҳаллий хомшә ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиш имконини берган;

Янгиариқ кони кварц-дала шпатли кумини бойитиб, ундан рангли шишалар олиш технологияси «Horazm shisha idishlari» МЧЖ ҚК да амалиётга жорий этилган («Horazm shisha idishlari» МЧЖ ҚК нинг 2021 йил 17 август 77-сон маълумотномаси). Натижада, саноат чиқиндиларидан фойдаланиб, шиша тан нархини тушириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларини апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 50 та илмий ишлар чоп этилган. Улардан 22 та мақола, шу жумладан асосий диссертация натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий асосатсия комиссияси томонидан тавсия этилган 7 та хорижий ва 15 та республика миқёсидаги журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 177 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республикамиз фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **«Ноорганик хомашёлар ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиш назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолати ва улар асосида шиша буюмлари ишлаб чиқариш»** номли бобида ноорганик хомашёлар ва саноат чиқиндиларидан фойдаланиш назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолати, улар асосида шиша буюмлари ишлаб чиқариш бўйича адабиётлар шарҳи берилган бўлиб, шиша ишлаб чиқариш саноатининг ривожланиш тенденцияси ва замонавий ишлаб чиқаришнинг техник жиҳозланиш ҳолати, ноорганик хомашёлар ва саноат чиқиндиларини қўллаб шиша олишнинг янги замонавий қарашлари, Ўзбекистонда маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндиларини қўллаб шиша маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг бугунги ҳолати, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган. Илмий адабиётлар шарҳи асосида саноатбоп шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун Оролбўйи минтақасининг арзон ва муқобил хомашё ресурсларидан фойдаланишнинг самарали технологияларини яратиш зарурияти тўғрисида хулосалар қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот объектлари тўғрисида умумий маълумотлар ва тадқиқот усуллариининг таснифи»** деб номланган иккинчи бобида дастлабки материаллар таснифи ва тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқот объекти сифатида Хўжакўл кони кварц-каолинлашган куми, Янгиариқ кони кварц-дала шпатли куми, Тумрюк кони мирабилит тузи, табиий газни кимёвий қайта ишлашда ҳосил бўлувчи глинозёмли чиқинди, Олмалик тоғ кон металлургия комбинати (ТКМК)нинг кобальтли ва қўрғошинли жинсларни қайта ишлаш чиқиндилари танлаб олинган. Дастлабки хомашё ва техноген ресурслари ҳамда шишаларнинг кимёвий таркиби анъанавий усуллар билан аниқланган. Дастлабки хомашё

материаллари, техноген чиқиндилар ҳамда шиша маҳсулотларининг физик-кимёвий ва механик хоссаларини аниқлаш учун кимёвий, рентгенфаза, дифференциал-термик, ИҚ-спектроскопик ва электрон-микроскопик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Диссертациянинг «Оролбўйи ноорганик хомашёлари ва саноат чиқиндилари, улардан фойдаланишнинг ўзига хослиги ва уларни бойитиш технологияларини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида қўлланилган барча хомашёларнинг кимёвий таркиблари таҳлил қилинган (1-жадвал).


1-жадвал

Хомашё материаллари намуналарининг кимёвий таркиби

Қўлланилган хомашёларнинг номи ва манбалари	Оксидлар миқдори, масс. %									Σ
	SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	K <sub>2</sub> O	Na <sub>2</sub> O	SO <sub>3</sub>	К.к.м.	
Кварц қуми *, Хўжакўл кони,	97,80	1,20	0,05	0,27	0,05	0,07	0,14	-	0,49	100,00
Кварц-дала шпатли қуми *, Янгиариқ кони	95,60	0,5	0,10	0,22	0,06	0,24	0,20	0,10	2,98	100,00
Доломит, Курдана кони	1,10	0,21	0,02	31,10	19,30		0,17		48,10	100,00
Кальцинир. сода (КСЗ)	-	-	0,03	-			58,47	0,04	41,50	100,00
Мирабилит, Тумрюк кони	1,01	0,38	0,02	0,60	0,15		41,26	54,42	2,16	100,00
Глинозёмли чиқинди *	1,70	97,40	0,03	1,05	0,53	0,10	0,19	-		100,00
Дала шпати, Қизилсой кони	68,91	16,81	0,17	0,55	0,30	9,98	2,92		0,36	100,00
Оҳактош, Джамансой кони	0,11	0,17	0,10	54,13	0,80		0,17		44,52	100,00
Қўрғошинли чиқинди **	6,78	7,06	4,26	26,23	15,48	-	0,78	0,94	32,19	100,00
Кобальтли чиқинди ***	35,50		0,04	10,16					14,98	100,00
Изоҳ- * - бойитилган намуналар; ** - таркибида 3,13 % PbO ва 3,15 % BaO; *** - таркибида 36,31 % Co <sub>3</sub> O <sub>4</sub> , ва 0,01 % WO <sub>3</sub> мавжуд										

Келтирилган хомашёларни барчасини бойитмасдан туриб шиша олиш мумкин эмаслиги қайд қилинган. Бойитиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни шиша маҳсулотлари олишда қўллаш мақсадида уларнинг кимёвий, минералогик ва донадорлик таркиблари ўрганилиб чиқилган. Жумладан, Хўжакўл кони кварц-каолинлашган қумининг дастлабки намуналарини рентгенфаза тадқиқот қилганимизда текисликлараро масофалар: 0,427; 0,336; 0,232; 0,226; 0,202; 0,183; 0,167; 0,154; 0,145 нм узунликдаги чизиклар унда α-кварц борлигини тасдиқлади (1.а-расм). Ундан ташқари 0,386; 0,324; 0,285; 0,248 нм ораликларидаги дифракцион чизиклар дала шпати мавжудлигидан дарак берди. Хўжакўл кони кварц қумини 900 °С ҳароратда куйдиргандан кейинги рентгенфаза таҳлилдан ўтказилди. Олинган натижаларга кўра (1.б-расм) ҳароратни кўтарилиши қумда α-кварцга тегишли бўлган текисликлараро масофалар интенсивлиги бир оз ўзгарган ва

бунда 0,426; 0,335; 0,234; 0,228; 0,182; ва 0,154 нм. даги тўлқин узунликларига мос келувчи дифракцион чўққилар борлигини кўрсатди. Бу кварц куми намунасини 900 °С ҳароратда  $\alpha$ -кварц шаклидан  $\alpha$ -кристобалит шаклига ўтганидан дарак беради.



1-расм. Дастлабки ва турли ҳароратларда куйдирилган Хўжакўл кони кварц кумларининг рентгенфаза таҳлили: а- дастлабки намуна; б-900°Сда куйдирилган намуна; в-1350°Сда куйдирилган намуна

Шунингдек, мазкур кварц кумини 1350 °С да куйдирилганда намунанинг рентгенфаза таҳлили (1.в-расм) дифракцион чўққиларни бир оз силлиқланиб интенсивлигини камайганини кўрсатди. Бу эса намуна аморфлашиб бораётганидан далолат беради. Бунда  $\alpha$ -кристобалитга тегишли бўлган 0,424; 0,285; 0,245; 0,213; нм тўлқин узунлигидаги дифракцион чизиқлар ва интенсивлигининг камайган  $\alpha$ -кварцга тегишли бўлган: 0,334; 0,245; 0,225; 0,228; 0,181 нм тўлқин узунлигидаги дифракцион чизиқлар борлигини кўрсатди. Кондан олинган намуналарни бойитишда сув оқимида синфларга ажратиш, ювиш, қуритиш ва электромагнит майдонида саралаш усуллари қўллаб бойитилди. Ажратиб олинган намуналарнинг кимёвий таркиби 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Хўжакўл ва Янгиарик конидан олинган намуналарни бойитиш ҳисобига олинган кварц кумларининг кимёвий таркиби


Намуналар	Таркибдаги асосий оксидлар микдорининг ўзгариши *, мас.%			ГОСТ 22551-2019 бўйича кум маркаси
	SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	
Дастлабки намуна				
Х-К1	95,80	2,00	0,14	ПБ-150-1
Я-К1	86,06	2,64	1,25	мос эмас
Классификациялашдан кейинги намуна				
Х-К2	96,00	1,90	0,10	ПБ-100-2
Я-К2	89,50	1,54	1,00	мос эмас
Ювилган ва классификацияланган кум намунаси				
Х-К3	96,10	1,80	0,09	ПБ-100-1
Я-К3	92,50	1,50	0,80	мос эмас
Классификацияланган, ювилган, қуритилган ва магнит майдонида сараланган				
Х-К4	97,80	1,20	0,05	ВС-050-2
Я-К4	95,60	0,5	0,10	ПБ-100-2

\* -тезкор кимёвий таҳлил асосида аниқланган, бошқа оксидлар микдори келтирилмаган

Диссертация ишида маиший хўжалик буюмлари, яшил рангли шиша идишлар ҳамда шиша эмаллар олишда асосий шиша фаза ҳосил қилувчи хомашё сифатида Янгиариқ кони кварц-дала шпатли кумлари танланган бўлиб бу кон ҳам фойдаланишга қулай конлардан бири ҳисобланади. Ўтказилган физик-кимёвий таҳлиллар натижаларига кўра кумнинг донадорлик таркибида 0,1-0,4 мм гача бўлган доначаларнинг умумий миқдори 82,00 дан 87,20 % гача эканлигини кўрсатди.

Қум таркибида мусковит, биотит, сфен, хлорит, кальцит, лимонит, гетит ва ортоклаз каби минералларнинг мавжудлиги аниқланиб, уларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш натижасида кум таркибидан ажратиб олишнинг мақбул усуллари танланди.

Шунингдек, кварц кум таркибидаги темир ионларининг координацион ҳолатини ўрганиш мақсадида Янгиариқ кони кварц-дала шпатли куми ЭПР таҳлилидан ўтказилди (2-расм).




**2-расм. Янгиариқ кварц кумларини ЭПР таҳлили тасвири:**  
**1–бойитилмаган намуна,**  
**2–бойитилгандан кейинги намуна**

Кристалл ва шишасимон кўринишдаги каттиқ жисмларда темир ионлари ( $Fe^{2+}, Fe^{3+}$ ) ЭПР спектр чизиқлари спектроскопик ажралиш омили қийматлари  $q=2,0$  ва  $q=4,0$  га тенг бўлганда ҳосил бўлади. Таҳлил натижаларига кўра,  $q = 4,1 \div 4,3$  бўлган оралиқлардаги чизиқлар  $[FeO_4]$  координацион ҳолатга ёки гуруҳга мансуб,  $q=2,0$  га тенг бўлганда эса октаэдрик гуруҳларга -  $[FeO_6]$  мос келади. Бойитилмаган кумларда ЭПР чизиқларининг интенсивлиги юқори, бойитилган намуналарда эса интенсивликни пасайганлигини кўрамиз.

Тадқиқотларимизда шиша таркибига натрий сульфат тузини киритиш учун Тумрюк кони табиий тузи-мирабилитни нисбатан соддалаштирилган технологиясида қайта ишлаб қўллашнинг илмий ва амалий асосларини ишлаб чиқишни мақсад қилиб олдик. Унинг кимёвий, минералогик, донадорлик таҳлил қилдик. Дастлабки ўрганишлар асосида кондаги аралаш тузларнинг миқдорлари қуйидагича ( масс.% ларда): мирабилит 70,00 - 98,70; гипс – 0,10-3,30; эпсомит – 0,06-2,40; галит ва карбонат – 0,20-0,30; сувда эримайдиган минерал моддалар – 0,40-25,00. Туз намунасининг кимёвий таркибида  $Na_2SO_4$  – 30,81;  $MgSO_4$  – 0,68;  $NaCl$  - 0,38;  $CaSO_4$ -0,08 бўлиб, қолгани сувдан иборат. Карьерни ичига қараб борган сари маъданнинг тозаланиб боришини кўрдик ва уни селектив усулда қазиб олиш ҳисобига кўзланган мақсадга эришиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдик. Тумрюк кони қуруқ аралаш тузларининг рентгенфазали таҳлили ва фототасвири 3-

расмда келтирилган. Унга кўра намуналар таркибида натрий сульфат билан бирга галит (5,316; 3,433 нм), гипс (1,924;1,804 нм) ва кварц (3,217 нм) минералларининг мавжудлиги аниқланди.



3-расм. Тумрюк кони мирабилитли тузларнинг рентгенограммаси (а) ва мирабилит тузининг фототасвири (б) ○ - мирабилит; ▽- аралаш минераллар)


Уни селектив қазиб олиш → майдалаш → натрий сульфат эритмаси билан ювиш → қуритиш → майдалаш усулларини қўллаб бойитиш ҳисобига шиша олишга яроқли бўлган ГОСТ 21458-2015 талабларига мос келувчи, таркибида натрий сульфат миқдори - 97,90; минерал моддалар- 1,00; галит- 0,50; гипс- 0,06; эпсомит- 0,03;  $Fe_2O_3$  - 0,003; к.к.м.-0,5 бўлган 2- навли товар маҳсулоти олиш ва ундан техник ювувчи маҳсулотлар, кимё саноатида ва шиша маҳсулотлари олишда фойдаланиш мумкинлиги аниқланди.

Шиша маҳсулотларини таннархини камайтириш мақсадида унинг таркибига киритилаётган техник глиноземни Шўртан ва Устюрт газкимё мажмуасида табиий газни қайта ишлашда ҳосил бўладиган глинозёмли чиқиндидан фойдаланиш мақсад қилиб олинди ва бу чиқиндини физик-механик ва кимёвий хоссалари ўрганилди. Глинозёмли чиқиндининг кимёвий таркиби (1400 °С да куйдирилган намуна, масс.%)  $Al_2O_3$  -92,70;  $SiO_2$  -2,70;  $Fe_2O_3$  -0,92;  $CaO$  -1,24;  $MgO$  -1,13;  $Na_2O$  -0,39;  $K_2O$  -0,19;  $TiO_2$  -0,63;  $V_2O_5$  -0,10. Чиқинди намуналари турли ҳарорат (900, 1200 ва 1400 °С) ораликларда куйдирилиб олиниб намуналарнинг кимёвий ва минералогик таркиблари ўрганилди ва уни қайта ишламасдан шиша олишда қўллаш ижобий натижа олиб келмаслиги қайд қилинди. Шу боисдан уни иссиқлик ёрдамида ишлов бериш → механик фаоллаштириш → механик саралаш → электромагнит майдонида саралаш → қадоқлаш усулларини қўллаб бойитиш ҳисобига ГОСТ 30559-98 талабларига мос келувчи ГСМ русумидаги товар маҳсулоти олиш мумкин эканлиги ва ундан ўтга чидамли материаллар, катализаторлар, глинозёмли цемент ва шиша маҳсулотлари олишда фойдаланиш мумкинлиги қайд қилинди. Олинган концентратнинг кимёвий таркиби (масс.%):  $Al_2O_3$  - 97,40;  $SiO_2$  -1,70;  $Fe_2O_3$  -0,03;  $CaO$  -1,05;  $MgO$  -0,53;  $Na_2O$  -0,19;  $K_2O$  -0,10.

Олмалик ТКМК корхонасининг кобальтли чиқиндисини кимёвий, минералогик ва донадорлик таркиблари ўрганилди ва у бойитилмасдан шиша олишга яроқсиз деб топилди. Чиқинди фракцияларга ажратилиб, ҳар бир

фракция кимёвий таҳлилдан ўтказилди. Чиқиндини 0,25 дан 0,10 мм оралиқлардаги фракциялари кимёвий таркиби (масс.%)  $\text{Co}_3\text{O}_4$  -36,31;  $\text{SiO}_2$ -45,52;  $\text{CaO}$  -16,16;  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ -0,19;  $\text{WO}_3$ - 0,10 бўлганлиги учун энг маъқул деб танланди. Унинг маҳсулотлик хусусиятини ошириш учун иссиқлик ёрдамида ишлов бериш → механик фаоллаштириш → саралаш → электромагнит майдонида саралаш → қадоқлаш усуллари қўллаб бойитилди. Уни бойитиш ҳисобига ГОСТ 4467-79 бўйича 2 навга тегишли бўлган кимёвий таркиби (масс.%)  $\text{Co}_3\text{O}_4$  -36,31;  $\text{SiO}_2$ -35,50;  $\text{CaO}$  -10,16;  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ -0,04;  $\text{WO}_3$ -0,01, к.к.м.-14,98 га тенг бўлган товар маҳсулоти олиш мумкинлиги ва ундан керамик ва шиша буюмлар учун ранг берувчи компонент сифатида фойдаланиш мумкинлиги қайд қилинди.

Тиниқлиги ва ялтироқлиги нисбатан юқори бўлган шиша таркибларини ишлаб чиқиш учун шиша массаси таркибига  $\text{BaO}$  ва  $\text{PbO}$  ларни киритиш мақсад қилиб олинди. Тажрибалар асосида бир вақтнинг ўзида иккала оксидни ҳам таркибида сақловчи чиқинди - кўрғошинли жинсларни қайта ишлашда ҳосил бўлувчи чиқинди Олмалиқ тоғкон металлургия комбинатида мавжудлиги инобатга олинди. Унинг кимёвий, минераллогик ва гранулометриқ таркиблари ўрганилди. Чиқиндининг кимёвий таркиби (мас.%) :  $\text{SiO}_2$ -6,78;  $\text{Al}_2\text{O}_3$ -7,06;  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ -4,26;  $\text{CaO}$ -26,23  $\text{MgO}$ -15,48  $\text{PbO}$ -3,13  $\text{BaO}$ -3,16  $\text{Na}_2\text{O}$ -0,78  $\text{SO}_3$ -0,94 к.к.м-32,18. Чиқиндининг дифференциал термик таҳлили натижалари 4-расмда келтирилган.



4-расм  
Кўрғошинли жинсни  
бойитишда ҳосил  
бўлувчи  
чиқиндининг  
дифференциал  
термик таҳлили

Натижаларга кўра 280°C ҳароратда ҳосил бўладиган эндоэффekt ундаги органик бирикмаларнинг куйиши ҳисобига ажралиб чиқиши билан, 510°C ҳароратда кичик ҳажмдаги экзоэффekt намуна таркибидаги  $\text{Fe}_2\text{O}_3$  нинг полиморф ўзгаришига тааллуқли бўлиб, унга кўра  $\gamma$   $\text{Fe}_2\text{O}_3$  →  $\alpha$   $\text{Fe}_2\text{O}_3$  кўринишига ўтиши туфайли ҳосил бўлади. 860°C ҳароратдаги эндоэффekt карбонатли бирикманинг диссоцияланишига тегишлидир. 940°C экзоэффekt намуна таркибида янги турдаги бирикмаларнинг ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу тур чиқиндини ҳам маҳсулотлик хусусиятини ошириш учун иссиқлик ёрдамида ишлов бериш → механик фаоллаштириш → механик саралаш → электромагнит майдонида саралаш → қадоқлаш усуллари қўллаб бойитилди. Натижада таркибида эътиборли компонентлар микдори- $\text{Fe}_2\text{O}_3$ -

0,16; PbO-3,15; BaO-3,18 % бўлган концентрат олинган ва ундан шиша олиш мақсад қилинди.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Оролбўйи ноорганик хомашёлари ва саноат чиқиндиларидан шиша олишда фойдаланишнинг физик-кимёвий асослари**» деб номланиб, унда Хўжақўл кони бойитилган кварц қуми асосида шиша ишлаб чиқаришда глинозёмли чиқиндидан фойдаланишнинг илмий асослари, Хўжақўл кони бойитилган кварц қумидан шиша ҳосил бўлиш жараёнига Тумрюк кони мирабилит таъсирини ўрганиш, Янгиариқ кони кварц-дала шпатли қуми асосида олинадиган шиша ранги ва адгезиясини яхшилашга кобальтли чиқиндининг таъсирини ўрганиш ҳамда шу туркум шишанинг хоссаларига қўрғошинли чиқиндининг таъсирини ўрганишга оид тадқиқотлар олиб борилган.

Диссертациянинг «**Оролбўйи ноорганик хомашёлари ва саноат чиқиндилари асосида шиша маҳсулотлари таркиблари ва олиш технологиясини ишлаб чиқиш**» деб номланган бешинчи бобида саноатбоп шиша таркибларига яқинлаштирилиб таркиблар ишлаб чиқилди. Шиша таркибларини лойихалаштиришда қуйидагилар эътиборга олинди: шиша таркибини лойихалаштиришда бойитилган кварц қумидан ташқари дала шпати, кальцинирланган сода ва қўрғошинли чиқиндидан иборат омехталардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди; дала шпати орқали шиша таркибига бир вақтни ўзида  $K_2O$ ,  $SiO_2$ ,  $Al_2O_3$ ,  $Na_2O$  лар киритилади, бу эса таркибга киритилаётган айрим қимматбаҳо компонентларни миқдорини камайтириш имконини беради; қўрғошинли чиқинди таркибида юқори миқдорда CaO (26,23 %) ва MgO (15,48 %)ларнинг мавжудлиги шиша омехтаси таркибига доломит хомашёсини киритмасдан шиша олиш имконини беради; қўрғошинли чиқинди таркибида 7,06 %  $Al_2O_3$ нинг мавжудлиги шиша таркибига ундан техник глинозем ёки глинозёмли чиқиндини қўллагасдан шиша олиш имконини беради; қўрғошинли чиқинди таркибида BaO (3,15 %) ва PbO (3,13 %) ларнинг мавжудлиги шишанинг декоратив хоссаларини яхшилаш имконини бериши мумкин. Хўжақўл кони кварц қуми асосида шаффоф шишалар асосида шиша идишлар таркиблари (3 ва 4 жадвал) ишлаб чиқилди.

3-жадвал

Хўжақўл кони кварц қуми асосида ярим шаффоф шишалар олиш учун доломитли омехталарнинг таркиблари (масс.%)

№	Кварц қуми	Доломит	Кальцинирланган сода	Глинозёмли чиқинди	Натрий сульфат	Σ
ШИ-АТ	62,49	14,78	19,93	1,94	0,86	100,0
ШИ-1	63,51	14,30	20,26	1,09	0,84	100,0
ШИ-2	63,20	14,32	20,14	1,50	0,84	100,0
ШИ-3	62,92	14,53	20,01	1,67	0,87	100,0
ШИ-4	62,07	15,38	19,59	2,11	0,85	100,0
ШИ-5	61,65	16,01	18,75	2,32	1,27	100,0
ШИ-6	61,22	16,64	18,32	2,53	1,29	100,0
ШИ-7	60,83	17,06	17,90	2,95	1,26	100,0
ШИ-8	60,33	16,45	18,56	3,37	1,29	100,0

Шиша маҳсулотларини таннархини камайтириш мақсадида шиша омехтаси таркибига оҳактош ва дала шпати киритиш мақбул деб топилди ва 6 та шиша таркиби ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган таркиблар 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

**Хўжақўл кони кварц қуми асосида шаффоф шишалар олиш учун оҳактошли омехталарнинг таркиблари**

№	Хомашёлар номи	Таркиблар, (масс.%)					
		Ош-1	Ош-2	Ош-3	Ош-4	Ош-5	Ош-6
1	Кварц қуми	55,60	55,27	54,94	54,44	53,97	53,52
2	Оҳактош	15,55	16,10	16,48	16,87	17,24	17,59
3	Дала шпати	9,37	9,60	9,90	10,44	10,95	11,43
4	Кальцинир. сода	17,99	17,61	17,26	16,87	16,49	16,14
5	Натрий сульфат	1,49	1,42	1,42	1,38	1,35	1,32
	Σ	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Барча таркибларда натрий сульфат массасига нисбатан 5% кўмир қўшилган.

Ушбу бобда яна Янгиариқ кони кварц-дала шпатли қумлари асосида шиша идишлар учун яшил рангли шишалар таркибларини ишлаб чиқиш устида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Унга кўра Янгиариқ кони кварц-дала шпатли қумларидан ишлаб чиқиладиган яшил рангли шишалар учун асос қилиб олинган шиша массасининг кимёвий таркиби қўйидагича (масс.%): SiO<sub>2</sub> -71,97; Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> -2,52; Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> -0,21, CaO -6,03, MgO -3,96, Na<sub>2</sub>O -14,97, SO<sub>2</sub>-0,24. Таркиблар 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

**Янгиариқ кони кварц-дала шпатли қумлари асосида яшил рангли шиша идишлар таркиблари**

Таркиблар	Оксидлар миқдори, масс.%							
	SiO <sub>2</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Fe <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	CaO	MgO	Na <sub>2</sub> O	SO <sub>3</sub>	Σ
ШИ-АТ-Я	71,97	2,52	0,21	6,13	3,96	14,97	0,24	100,0
ШИ-Я-1	72,50	2,02	0,24	6,15	3,81	15,03	0,25	100,0
ШИ-Я-2	71,50	2,50	0,32	6,20	3,85	15,40	0,23	100,0
ШИ-Я-3	71,00	2,72	0,33	6,25	3,88	15,60	0,22	100,0

Шунингдек, Янгиариқ кони кварц-дала шпатли қумлари асосида маиший хўжалик буюмлари учун рангли шишалар таркибларини ишлаб чиқишга оид тадқиқотлар олиб борилган. Унга кўра Янгиариқ кони кварц-дала шпатли қумларидан ишлаб чиқиладиган маиший хўжалик буюмлари учун асос қилиб олинган шиша массасининг кимёвий таркиби қўйидагича (масс.%): SiO<sub>2</sub> -74,5; Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub> -5,2; Fe<sub>2</sub>O<sub>3</sub> -0,3, CaO -2,1, MgO -0,2, K<sub>2</sub>O -5,3, Na<sub>2</sub>O -11,9, SO<sub>2</sub>-0,5. Ишлаб чиқилган таркиблар 6-жадвалда келтирилган.

Металл юзаларини эмаллашда грунт эмалларнинг ўрни жуда юқорилигини эътиборга олиб Янгиариқ кони кварц-дала шпати қумлари, қўрғошинли жинсни қайта ишлашда ҳосил бўлувчи чиқинди, кобальтли чиқинди ва бошқа маҳаллий хомашёларни қўллаб грунт эмаллар таркибини ишлаб чиқишни мақсад қилиб олдик. Металл асос сифати 0,8 кп русумли металл қотишмаси олинди. Эталон сифатида қўйидаги анъанавий грунт шиша эмаллари таркиби

олинди (масс.,%): SiO<sub>2</sub>–42,4; Al<sub>2</sub>O<sub>3</sub>–7,0; CaO–12,6; Na<sub>2</sub>O–21,6; TiO<sub>2</sub>–1,0; B<sub>2</sub>O<sub>3</sub>–14,4; CoO – 0,4; NiO – 0,6.

6- жадвал

**Маиший шиша учун лойихалаштирилган шиша омехтаси таркиби**

№	Шиша омехтаси компонентлари	Таркиблар ва компонентлар миқдори (масс.%)				
		МБ-РА	МБ-Р1	МБ-Р2	МБ –Р3	МБ –Р4
1	Кварц куми	57,41	53,16	53,16	50,15	51,00
2	Кальцинирланган сода	20,17	15,92	14,42	15,00	12,37
3	Натрий сульфат	1,25	0,95	0,65	0,35	
4	Қўрғошин. чиқиндиси	0	10,00	15,00	20,00	25,00
5	Дала шпати	21,17	19,97	16,77	14,50	12,65

Грунт учун олинган шиша эмалларнинг таркиби 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал

**Янгиариқ кони кварц-дала шпатли қумлари асосида грунт учун шиша эмал таркиблари (масс. %)**

Таркиб №	Кварц куми	Қўрғошинли чиқинди	Кальц. сода	Глинозёмли чиқинди	Бор кислотас и	Кобальтли чиқинди
Гэ-1	48,00	20,00	19,50	5,59	10,50	2,50
Гэ-2	46,00	22,00	19,50	5,44	10,50	2,50
Гэ-3	44,00	24,00	19,50	5,30	10,50	2,50

Бу қатламга мос келувчи юза қатлам сифатида Хўжакўл кони бойитилган кварц кумини қўллаб шиша эмаллар таркиблари ишлаб чиқилди. Олинган шиша эмаллар таркиблари 8-жадвалда келтирилган.

8 -жадвал

**Хўжакўл кони кварц куми асосида юза қатлам учун шиша эмаллари учун ишлаб чиқилган таркиблар**


Таркиблар	Оксидлар миқдори, масс. %									
	SiO <sub>2</sub>	B <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	P <sub>2</sub> O <sub>5</sub>	TiO <sub>2</sub>	RO	Na <sub>2</sub> O	K <sub>2</sub> O	Co <sub>2</sub> O <sub>3</sub>	*F <sub>2</sub>
Юэ-1	38,00	15,00	8,00	4,00	16,00	2,00	11,00	5,00	1,00	5,50
Юэ-2	40,00	15,00	7,00	4,00	14,00	2,00	12,00	5,00	1,00	5,50
Юэ-3	42,00	14,00	6,00	4,00	14,00	2,00	13,00	4,00	1,00	4,50
Юэ-4	44,00	13,00	5,00	3,00	14,00	2,00	14,00	4,00	1,00	4,50
Юэ-5	46,00	12,00	4,00	3,00	14,00	2,00	15,00	3,00	1,00	3,50
Юэ-6	48,00	11,00	3,00	2,00	14,00	2,00	16,00	3,00	1,00	3,50

\* 100% га устама қилиб қўшилди

Дала шпати ва доломит компонентлари донадорлиги тешиқ ўлчами 0,2 мм бўлган элакдан ўтказилгунга қадар майдаланиб қўлланилди. Майдалаш ишлари чинни ҳавончада олиб борилди. Бошқа синтетик ашёлар тайёр ҳолда олинди. Белгиланган таркибларга қўшиладиган хомашёлар электрон торозиларда тортилди. Хомашёлар 100-200 °С ҳарорат оралиқларида, қолдиқ намлиги 1,0-0,5 % га қадар қуритилган ҳолда тортилди ва пластик контейнерларда аралаштирилди. Аралаштириш жараёнида масса 4,0 % намликка қадар намланди. Шиша намуналарини олиш жараёни силлит

қиздиргичли электр печларида амалга оширилди. Бунинг учун шиша омихтаси ҳажми 200 мл бўлган корунд тигелларга жойланди ва печь ичига қўйилди. Қиздириш тезлиги 5-10 °С /дақ., шиша идишлар учун максимал ҳарорат 1400-1430 °С, шиша эмаллар учун 1250-1350 °С, максимал ҳароратда ушлаб туриш вақти 30-40 мин. Белгиланган вақтдан кейин ҳар бир намуна печдан олинди ва олдиндан 300 °С ҳароратда қиздирилган металл лист юзасига қўйилди, кейинчалик электр қиздиргичли муфель печида ҳарорат 600-700 °С оралиғида мўътадил совитилди. Шиша эмал намуналари эса сувга қуйиш орқали фритталанди.

Ушбу бобда Хўжақўл кони кварц қуми асосида оҳақтошли омихтадан шиша идишлар, Янгиариқ кони кварц-дала шпатли қумлари асосида маиший хўжалик буюмлари учун рангли шишалар, шу қум асосида ва маҳаллий хомашёлар асосида шиша эмаллар ишлаб чиқаришнинг такомиллашган технологик схемалари ишлаб чиқилди. Хўжақўл кони бойитилган кварц қумлари асосида шиша идишлар олишнинг технологик схемаси 5-расмда келтирилган.



**5-расм Шиша идишлар ишлаб чиқаришнинг такомиллашган технологик схемаси**

1-кварц қуми отсеки; 2-юк кўтариш крани; 3- лентали узатма; 4-барабанли қуритгич; 5-элеватор; 6-тебранма элак; 7-оралиқ бункер; 8-ўлчов дозатори; 9-лентали узатма; 10-пневма насос; 11-силос; 12-шиша чиқиндиси; 13-дезинтегратор; 14- оҳақтош отсеки; 15-жағли майдалагич; 16-шарли тегирмон; 17-йиғма конвейер; 18-шихта аралаштиргич; 19-захира бункер; 20-кюбель; 21-кюбелларни юк кўтариш крани; 22-шихта юклаш машинаси; 23-шиша қайнатиш печи; 24-таъминлагич; 25- қолиплаш машинаси; 26-пластинали узатма; 27-сирт мустаҳкамлаш машинаси; 28- тахлаш машинаси; 29-қуйдириш печи; 30-саралаш машинаси; 31-пластинали узатма; 32-қадоқлаш машинаси

Диссертациянинг «Оролбўйи ноорганик хомашёлари ва саноат чиқиндиларидан олинган шиша маҳсулотларининг физик-механик хоссалари ва саноат миқёсида тадбиқи» деб номланган олтинчи бобида

Оролбўйи минтақаси ноорганик хомашёлар ва саноат чиқиндиларидан олинган шаффоф ва рангли шишаларнинг физик-кимёвий ва механик хоссалари ўрганилган. Шиша намуналарининг зичлиги, термик бардошлилиги, кимёвий чидамлилиги, механик мустаҳкамлиги ва эстетик хоссалари (ялтироклиги ва шаффофлиги) ўрганилди. Бу шишалар асосида ярим шаффоф шиша идишлар ишлаб чиқарилади ва улар МДХ давлатларида алкоғолли ва алкоғолсиз ичимликларни қадоқлаш учун ишлаб чиқиладиган шиша идишларга жорий қилинган ГОСТ 32131-2013 талаблари ва консервалаш маҳсулотларини қадоқлаш учун ишлаб чиқариладиган шиша идишларга жорий қилинган ГОСТ 5717.1-2014 талабларига жавоб бериши кўзда тутилади. Шундан келиб чиқиб, уларнинг гидростатик босимга чидамлилиги (60с. давомида ушлаб турилганда), сувга чидамлилик кўрсаткичи, зичлиги, 400-700 нм тўлқин узунлиги ораллиғида нур ўтказиши каби кўрсаткичларини таҳлил қилиш жуда муҳим. Шу билан бирга, бу тур шиша идишлар учун уларнинг эстетик хусусиятлари ҳам ўрганишни талаб қилади. Бу тур шишалар асосида буюмлар машина ёрдамида шаклланишини эътиборга олсак, уларнинг ишлашга оид хоссаларини, жумладан қовушоқлик кўрсаткичи, қотиш тезлиги каби кўрсаткичларини билиш ҳам керак бўлади. Шунингдек, бу шишалар асосида олинган буюмларни таркибида қатламлари орасида зўриқишлар қолиб кетмаслиги учун уларни куйдиришнинг юқориги ва куйи ҳарорат нукталарини аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Улар қаторига Хўжакўл кони бойитилган кварц қуми асосида олинган оғзи кичик шиша идишлар учун ШИ-6, ШИ-7, ШИ-8 таркиблари, оғиз бўшлиқи катта бўлган идишлар учун Ош-4, Ош-5 ва Ош-6 ва Янгиариқ кони кварц-дала шпатли қумлари асосида олинган ШИ-Я-3 таркибларнинг хоссаларини келтириб ўтамиз. Олинган натижалар 9-жадвалда келтирилган.

Хўжакўл ва Янгиариқ конлари бойитилган қумлари асосида олинган шаффоф ва яшил рангли шишаларнинг зичлик кўрсаткичини ўрганиш 2-бобда келтириб ўтилган услуб асосида олиб борилди. Маълумки, зичликнинг юқори бўлиши олинадиган шиша идишларнинг массаларини ошиб кетишига сабаб бўлади. Олинган натижаларга кўра барча таркиблар давлат андозаларига деярли мос келади.

Шишаларнинг иссиққа бардошлилик кўрсаткичи ГОСТ 25535-2013 да баён қилинган услублар асосида олиб борилди ва бу кўрсаткич иссиқлик алмашинувлари сони билан белгиланди. Шишаларнинг иссиқликдан чизикли кенгайиш коэффициенти қиймати ГОСТ 10978-2019 бўйича аниқланди. Олинган натижалар таҳлиliga кўра шишаларнинг бу кўрсаткичи адабий манбаларда келтирилган маълумотларга ва белгиланган давлат андозалари талабларига мос келади. Шиша идишларга алоҳида талаб уларнинг 400-700 нм тўлқин узунлиги ораллиғида нур ўтказиш қобилияти бўлиб, у асосан шишанинг тиниклаштириш ва бир жинсли қилиш босқичларига ва шишанинг кимёвий таркибига боғлиқ бўлади.

**Оролбўйи ноорганик хомашёлар ва саноат чиқиндиларидан олинган шаффоф шишаларнинг физик-кимёвий ва механик хоссаларини ўрганиш натижалари**

Шиша хоссалари	Шиша таркиблари								
	ГОСТ 32131-2013 талаблари	ШИ-Я-3	ШИ-6	ШИ-7	ШИ-8	ГОСТ 5717.1-2014 талаблари	Ош-4	Ош-5	Ош-6
Зичлиги, кг/м <sup>3</sup> (ГОСТ 9553 бўйича)	2540,0	2548,0	2541,0	2550,0	2551,0	2540,0	2540,0	2545,0	2550,0
Иссикка бардошлилик, иссиқлик алмашинувлари сони	120	120	120	120	120	120	120	120	120
Микроқаттиқлиги, МПа	-	596,0	596,0	593,0	596,0	-	593,0	602,0	598,0
ИЧКК, а 10 <sup>-7</sup> , 1/°С, 20°С дан 400°С харорат оралиғида (ГОСТ 10978 бўйича)	92,00	93,00	93,00	96,00	93,00	92,00	91,00	94,00	93,00
400-700 нм тўлқин узунлиги оралиғида нур ўтказиши, %	80 дан кам эмас	81,0	81,0	84,0	82,0	80 дан кам эмас	79,0	86,0	85,0
Сувга чидамлилик кўрсаткичи, 0,01 моль/дм <sup>3</sup> конц. HCl сарфи, см <sup>3</sup> , ГОСТ 33202 бўйича	0,20 дан 0,85 гача	0,38	0,45	0,38	0,40	0,20 дан 0,85 гача	0,56	0,50	0,56
